# No. 39431

**Yalta GUUAM Charter. Yalta, 7 June 2001**

**Entry into force:** *7 June 2001 by signature*

**Authentic texts:** *Azerbaijani, English, Georgian, Moldovan, Russian, Ukrainian and Uzbek*

**Registration with the Secretariat of the United Nations:** *Georgia, 30 June 2003*

**Charte de Yalta relatif à GUUAM. Yalta, 7 juin 2001**

**Entrée en vigueur :** *7 juin 2001 par signature*

**Textes authentiques :** *azerbaïdjanais, anglais, géorgien, moldove, russe, ukrainien et ouzbek*

**Enregistrement auprès du Secrétariat des Nations Unies :** *Géorgie, 30 juin 2003*

[ UZBEK TEXT – TEXTE OUZBEK ]

## ГЎУОМ ЯЛТА ХАРТИЯСИ

Озарбайжон Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина, бундан кейин ГЎУОМ деб аталувчилар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми, шунингдек Хелсинки якуний акти, Янги Европанинг Париж хартияси ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Европа хавфсизлик хартияси қоидаларига асосланиб;

ГЎУОМ давлатлари раҳбарларининг 1997 йил 10 октябрдаги Страсбург декларацияси, 1999 йил 24 апрелдаги Вашингтон баёнома ва 2000 йил 6 сентябрдаги Нью-Йорк меморандуми қоидаларини тасдиқлаб;

демократия, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳурмат қилиш, ҳуқуқнинг устуворлиги, бозор иқтисодиёти принципларига содиқ қилиб;

минтақавий ҳамкорлик глобализация процессининг бир қисми эканлигига ва бу ГЎУОМ давлатларининг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшиши мумкинлигига, зиддиятларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳамда улар халқларининг фаровонлигининг яхшиланишига кўмаклашиши мумкинлигини эътироф этиб;

ГЎУОМ давлатлари ва уларнинг халқлари ўртасида анъанавий дўстона муносабатлардан келиб чиқиб;

ушбу Хартияни қабул қилишга аҳдлашиб олдилар,

**1. ГЎУОМ ҳамкорлигининг мақсадлари:**

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш;
- савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- ГЎУОМ мамлакатларининг манфаатларида уларнинг ҳудудларида жойлашган транспорт-коммуникация, магистраль ва тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш;
- фаолиятнинг барча соҳаларида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- фан, маданият соҳасида ва ижтимоий соҳадаги муносабатларни ривожлантириш;
- халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлик;
- халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва гиёҳвандлик моддалар савдосига қарши кураш.

**2. ГЎУОМ ҳамкорлиги тамойиллари:**

ГЎУОМ доирасидаги ҳамкорлик умум тан олинган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари, хусусан,

суверенитетни ҳурмат қилиш, мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ҳамда иштирокчи давлатларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланади.

**3. ГЎУОМ ҳамкорлигининг йўналишлари:**

- иқтисод, фан, технология ва атроф муҳит;
- транспорт, энергетика, телекоммуникация инфратузилмаси;
- қўшма инвестициявий ва молиявий лойиҳалар;
- ижтимоий соҳа, маданият, таълим, оммавий ахборот воситалари, сайёҳлик, ёшларни алмашиш;
- ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа йўналишлар.

**4.** Иштирокчи давлатлар ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар киритишлари мумкин.

**5.** ГЎУОМнинг асосий ҳужжатлари, жумладан ушбу Хартияга бириктирилган мақсадлари ва тамойилларига ўз садоқатликларини тўлалигича тасдиқлайдиган янги иштирокчилар учун ГЎУОМ очиқдир.

**6. ГЎУОМнинг ташкилий тузилмаси:**

6.1. Давлат раҳбарларининг ҳар йилги учрашуви ГЎУОМнинг олий органи ҳисобланади.

ГЎУОМда Раислик қилиш, Давлат раҳбарлари учрашувлари ўртасидаги муддатда алфавит тартибида иштирокчи давлатлар тарафидан амалга оширилади.

Давлат раҳбарлари учрашувларида қуйидаги қарорлар қабул қилинади:

- ГЎУОМ доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида;
- ГЎУОМнинг ихтисослаштирилган органларини ташкил этиш тўғрисида;
- халқаро ҳаётнинг ўзаро қизиқиш уйғотадиган долзарб масалалари бўйича позицияларни келишиб олиш тўғрисида.

6.2. Қоидага кўра йилда икки марта учрашадиган ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши, ГЎУОМнинг ижрочи органи ҳисобланади.

Ташқи ишлар вазирларининг йиғилишида ГЎУОМ доирасидаги келишувларнинг бажарилиш масалалари кўриб чиқилади, шунингдек Давлат раҳбарлари учрашувларида кўриб чиқиш учун ГЎУОМ ҳамкорлигининг келгуси

ривожланиши ва чуқурлаштирилиши бўйича таклифлар тайёрланади.

6.3. Миллий мувофиқлаштирувчи қўмита (ММҚ) ГЎУОМнинг ишчи органи ҳисобланиб, унинг таркибига ҳар бир иштирокчи давлатдан ташқи ишлар вазирлари томонидан тайинланадиган биттадан миллий мувофиқлаштирувчи киради.

ММҚ ГЎУОМ доирасида иштирокчи давлатлар ўртасида фаолиятни мувофиқлаштиради, Давлат раҳбарлари учрашувлари ва ташқи ишлар вазирларининг йиғилишларини тайёрлайди.

ММҚ йиғилишлари иштирокчи давлатларда навбатма-навбат ҳар йил чоракда ўтказилади. Иштирокчи давлатлардан бирининг таклифига биноан ММҚнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш мумкин.

**7.** ГЎУОМ доирасидаги қарорларни консенсус билан қабул қилинади.

**8.** ГЎУОМнинг ишчи тиллари, рус ва инглиз тилларидир.

Ялта шаҳрида 2001 йил 7 июнда бир асл нусхада, ҳар бири озарбайжон, инглиз, грузин, молдаван, рус, ўзбек ва украин тилларида тузилди, бунда ҳар бир матн аутентик.

**Озарбайжон Республикаси номидан**

**Грузия номидан**

**Молдова Республикаси номидан**

**Ўзбекистон Республикаси номидан**

**Украина номидан**

[ UKRAINIAN TEXT – TEXTE UKRAINIEN ]

# ЯЛТИНСЬКА ХАРТІЯ ГУУАМ

Азербайджанська Республіка, Грузія, Республіка Молдова, Республіка Узбекистан та Україна, далі ГУУАМ,

*керуючись* положеннями Статуту Організації Об'єднаних Націй, а також Гельсінського Заключного Акта, Паризької Хартії для нової Європи і Хартії європейської безпеки Організації з безпеки і співробітництва в Європі;

*підтверджуючи* положення Страсбурзької Декларації від 10 жовтня 1997 року, Вашингтонської Заяви від 24 квітня 1999 року і Нью-Йоркського Меморандуму від 6 вересня 2000 року глав держав ГУУАМ;

*будучи прихильними* до принципів демократії, поважання основних прав і свобод людини, верховенства права, ринкової економіки;

*визнаючи*, що регіональне співробітництво є частиною процесів глобалізації і може зробити внесок у зміцнення суверенітету, незалежності, територіальної цілісності держав ГУУАМ, сприяти мирному врегулюванню конфліктів і поліпшити добробут їхніх народів;

*виходячи* з традиційних дружніх відносин між країнами ГУУАМ та їхніми народами;

*домовилися про* прийняття цієї Хартії.

## 1. Цілі співробітництва ГУУАМ:

- сприяння соціально-економічному розвитку;
- зміцнення і розширення торгово-економічних зв'язків,
- розвиток і ефективне використання в інтересах країн ГУУАМ транспортно-комунікаційних магістралей та відповідної інфраструктури, розташованої на їх території;
- зміцнення регіональної безпеки в усіх галузях діяльності;
- розвиток відносин у галузі науки, культури та гуманітарній сфері;
- взаємодія в рамках міжнародних організацій;
- боротьба з міжнародним тероризмом, організованою злочинністю і наркобізнесом.

## 2. Принципи співробітництва ГУУАМ:

Співробітництво в рамках ГУУАМ грунтується на загальновизнаних нормах і принципах міжнародного права, зокрема на поважанні суверенітету, незалежності, територіальної цілісності і невтручанні у внутрішні справи держав-учасниць.